



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фарғона вилояти статистика
бошкармаси бошлиғи

Мурод Шамшидинов
С.Р. Шамшидинов
“04” 01 2021 йил

Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий
ишлар бўлимнинг
НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Статистик фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлари бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Фарғона вилояти статистика бошкармасининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Бўлим фаолияти давлат хокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини кондирувчи статистик ахборотларни чоп этиш ва тарқатиш тизимининг самарали ишлашини таъминлашга каратилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошка конун хужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга хамда мазкур Низомга амал қиласи.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошликтининг биринчи ўринбосари раҳбарлигига ва Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлари бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошкармасининг тармоқ бўлимлари ва туманлар, шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

а) Вилоят статистика бошкармаси бўлимлари хамда туманлар, шаҳар статистика бўлимлари билан статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурига кўра статистик маълумотларни йиғиш, таҳлил килиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофикалаштириш;

худудлар бўйича бирламчи статистика маълумотларини йигиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш юзасидан вилоят статистика бошкармаси бўлимлари ҳамда туманлар, шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини мувофикалаштириш;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш бўйича бошкарма ҳамда туманлар ва шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини назорат килиш ва мувофикалаштириш;

б) статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, хаққонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишлар мониторингини юритиши соҳасида:

статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, хаққонийлиги, яхлитлиги ва тизимлилиги юзасидан мониторинг юритиши;

худудий статистика органлари томонидан амалдаги қонунчилик асосида барча юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонунчилик талабларини бажарилишини назорат қилишни амалга оширилиши юзасидан мониторинг юритиши;

вилоят статистика бошкармаси тармок бўлимлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишларнинг бажарилишини таъминланиши юзасидан назоратни ташкил этиш;

туман ва шаҳар статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик хужжатларига ҳамда Давлат статистика қўмитаси, вилоят статистика бошқармасининг карор ва топширикларига риоя этилишини назорат қилиш;

давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибига риоя этилиши юзасидан ишларнинг ташкил этилиши, давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибини бузган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчилик хужжатлари асосида қўлланиладиган чоралар бўйича ишларнинг юритилиши юзасидан фаолиятни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофикалаштириши;

статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича худудий статистика органларига замонавий даражадаги тизимли ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий-иктисодий ходисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги туманлар, шаҳар статистика бўлимларидан олинган бирламчи статистика ахборотларини ва маълумотлар базаси сифатини тизимли назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, хакқонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил қиласди ва мувофикалаштиради;

Давлат статистика ишларини ишлаб чикариш дастурининг бажарилишини назорат қиласди ва унинг натижалари бўйича бошқарма раҳбариятига ҳар ой маълумот тақдим этади;

бошқарма бўлимлари ва туманлар, шаҳар статистика бўлимларида меъёрий-хукукий хужжатларга риоя этилишини таъминлаш юзасидан ўрганишлар ўтказади;

хисобот маълумотларининг хаққонийлиги, тўлиқлиги ва сифатлилигини таъминлаш бўйича худудий статистика органлари фаолиятини назорат қиласди;

туманлар ва шаҳар статистика бўлимлари томонидан давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги конунчилик хужжатларига асосан кўлланилаётган чоралар юзасидан назорат олиб боради, бу борадаги фаолиятни мувофикалаштиради, ҳар ой натижалари бўйича кўлланилган чоралар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва белгиланган тартибда тақдим этиб боради;

вилоят бўйича, худудлар ва иқтисодиёт тармоклари кесимидағи статистик ахборотлар ва тўпламлар макетини, йигма статистик ва иқтисодий-тахлилий ахборотларни тегишли тармок бўлимлари билан биргалиқда тайёрлайди;

бошқарма тармок бўлимлари, туманлар ва шаҳар статистика бўлимлари билан биргалиқда статистик ахборотлар ва тўпламларни тарқатиш ишларини амалга оширади;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофик, бошқарма раҳбариятининг топшириғига ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар ва тўпламлар билан таъминлайди;

вилоят бўйича, худудлар ва иқтисодиёт тармоклари кесимидағи йигма статистик ва иқтисодий-тахлилий кўрсаткичларни шакллантириш бўйича жадваллар макетини тайёрлайди;

бўлимлар ва худудий статистика органлари томонидан йигма-ахборот маълумотларини белгиланган макетлар асосида шакллантириш ишларини назорат қиласди ва мувофикалаштиради;

Бўлимга тақдим этилган йигма статистик ва иқтисодий-тахлилий кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштиради, шакллантиради ва чиқаради;

Давлат статистика ишларини ишлаб чикариш дастурида белгиланган ва бошқарма раҳбариятининг топшириғига асосан статистик ахборотлар ва тўпламларни шакллантиради;

Давлат статистика ишларини ишлаб чикариш дастурига мувофик, бошқарма раҳбариятининг топшириғига ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан, давлат

хокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фукаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар ва тўпламлар билан таъминлайди;

туманлар, шахар статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлимга юклатилган бошка функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг хукуклари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хукукларга эга:

Вилоят статистика бошқармасининг бўлинмаларидан, туманлар ва шахар статистика бўлимларидан белгиланган тартибда бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

йиғма-ахборот маълумотлар, статистик тўпламлар таркиби, тузилиши ва дизайнни бўйича бошкарма бошлиғига таклифлар беринш;

Бўлимга тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ўз вактида бажарилишини талаб килиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг Бўлим фаолиятига оид бўлган масалалар бўйича хатлари ва сўровларини кўриб чикиш ва уларга жавоб тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи ишларни ташкиллаштириш ва бажарилишини назорат қилиш.

9. Бўлим:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси карорлари ва бошқа хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, карорлари ва фармойишлари, Ҳукумат карорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти топширикларининг ўз вактида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чикаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя килиниши ва сакланишини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруклари ва қарорлари, вилоят статистика бошқармаси буйруклари шунингдек, Давлат статистика ишларини ишлаб чикариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг чора-тадбирлари, Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлари

бўлимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади;

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошлиқнинг биринчи ўринbosари билан келишилади ва бошкарма бошлиғи томонидан тасдикланади.

11. Бўлимга вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тасдикланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик килади.

12. Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва бошкарма раҳбарияти топширикларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вактида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида ойлик ҳисобот тузиш орқали ташкил этилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

ходимлар томонидан бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя килинишини ва сакланишини таъминлайди.

13. Бўлим бошлиғи куйидаги хукуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни таксимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини кўллаш тўғрисида бошкарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича бошкарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.